



МАҲСУЛОТ БИРЛИГИ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дилфузা Ташназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

dilfuzal11122000@mail.ru

IMPROVEMENT OF THE PROCEDURE FOR CALCULATION OF THE PRODUCT UNIT COST

Dilfuza Tashnazarova

Samarkand Institute of Economics and Service

dilfuzal11122000@mail.ru

JEL Classification: M1,M4,M49

Аннотация. Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясида ишилаб чиқаришида йўқотишларни камайтириши, ресурслардан фойдаланиши самарадорлигини ошириши вазифаси қўйилган. 2-сон МХХС “Захиралар” халқаро стандартида маҳсулот таннархини шакллантиришига оид қоидалар келтирилган. Уибу қоидаларни қўллаш бўйича услугбий тартиб қоидаларни ишилаб чиқарии долзарб масала ҳисобланади. Мазкур мақолада маҳсулот таннархи бўйича амалдаги тартиб ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириши бўйича таклифлар келтирилган. Бугунги кунда амалиётимизда қўлланилиб келинаётган маҳсулот таннархини калькуляция қилишининг тўртта босқичдан иборат ҳисоб-китоблари танқидий ўрганилган. Тадқиқот жараёнида амалдаги тартибда мавжуд камчиликлар, жумладан таннархининг ҳар бир элементи бўйича ҳақиқий харажатлар умумий режса таннархига бўлиншиши аносисида аниқланадиган

коэффициентнинг иқтисодий мазмуни етарли даражада асосланмаганлиги қайд қилинган. Бундан ташқари харажатларни тақсимлашда сабаб-оқибат тамойилига риоя қилинмаганлиги ҳамда илгор хорижий тажрибаларда тўғридан-тўғри материал харажатлар ва тўғридан-тўғри меҳнат харажатларининг маҳсулот таннархига ҳақиқий миқдори, устама ишилаб чиқарии харажатларининг (УИЧХ) эса бюджетлаштирилган миқдори бўйича маҳсулот таннархига олиб борилишига доир қоидалар инобатга олинмаганлиги таъкидланган. Уибу камчиликларни бартараф этиши мақсадида устама ишилаб чиқарии харажатларини маҳсулот таннархига тақсимлашнинг тақомиллашган услубий тартиби таклиф этилган. Бунда устама ишилаб чиқарии харажатларини бюджетлаштириши ва тақсимлаш базаларини танлаш, УИЧХларни бўлимларга тақсимлаш, хизмат кўрсатувчи бўлимлар харажатларини қайта тақсимлаш, УИЧХларни маҳсулотга бюджетлаштирилган



тақсимлаши ставкасини ҳисоблаши ҳамда маҳсулотларга тақсимлашынг янги услугий тартиби бешта қадамда бажарилиши тақлиф этилди. Ортиқча тақсимланған ёки тақсимланмай қолған УИЧХларни ҳисобда акс әттиришига доир қоидалар келтирилген. Уибұ тақлифлар маҳсулот таннархини түзри аниқлаши ва қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириши ҳамда үзвактыделигини таъминлашаға хизмат қулади.

Abstract. The development strategy of our country sets the task of reducing losses in production and increasing the efficiency of resource use. International Standard (IAS 2) "Inventories" contains the rules for the formation of the cost of production. The development of a methodological procedure for the application of these rules is a topical issue. This article presents the current procedure for costing products and proposals for harmonization with international standards. The four-step calculation of the cost of production, which is currently used in our practice, has been critically studied. In the course of the study, shortcomings of the current methodology were identified, including insufficiently substantiated and disclosed the economic content of the coefficient, which is determined on the basis of dividing the actual costs for each cost element by the total planned cost. In addition, it was noted that the causal principle was not observed in the distribution of costs, the requirements for applying the rules in the best foreign experience of attributing direct material costs and direct labor costs to the cost of production according to the actual amount were not taken into account, and production overhead costs (POC) according to the budgeted size. To eliminate these

shortcomings, an improved methodological procedure for the distribution of production overheads to the cost of production is proposed. In this case, it was proposed to perform a new methodological procedure, consisting of five steps, which includes budgeting and selection of distribution bases, distribution of POC by departments, redistribution of costs of service departments, calculation of the budgeted distribution rate of POC, as well as distribution of costs by type of product. There are rules for accounting for over-allocated or under-allocated of POC. These proposals serve to determine the correct value of the product and improve the quality and timeliness of decisions made.

Таянч атамалар: маҳсулот таннархи, устама ишилаб чиқарыш хараждатлари, бюджетлаштирилген устама ишилаб чиқарыш хараждатлари, таннарх обьектлари, билвосита хараждатлар, захиралар, таннархни тақсимлаш базалари

Keywords: production cost, production overheads, budgeted production overheads, cost objects, indirect costs, inventories, cost allocation base

Кириш. 2022 — 2026 йилларга мүлжалланған янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 24-мақсадда “Саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш” [1] вазифасининг қўйилиши ишилаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархини оптималлаштиришни, уни ҳисоблаш тартибини тубдан такомиллаштиришни талаб этади. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда халқаро стандартлар ҳамда илгор хорижий тажрибаларни қўллаш ўта мухим аҳамият касб этади.

2-сон МХХС “Захиралар” [2] номли стандартда захиралар таннархи учта таркибий элементлардан ташкил топиши қайд қилинган: захираларнинг харид таннархи, захираларни қайта ишлаш таннархи ва захираларни жойлашган жойи ва жорий ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар. Қайта ишлаш харажатлари маҳсулот таннархини шакллантиришда муҳим жараён ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлекатимизда мавжуд маҳсулот таннархини калькуляция қилишининг амалдаги тартиби тўлиқ халқаро стандартларга мувофиқ келади деб бўлмайди. Бундан ташқари, молиявий ҳамда солиқ ҳисоблари мақсадларида юритиладиган дастурий таъминотларида белгиланган тартиб корхоналарнинг бошқарув мақсадларида таннархни таҳлил ва назорат қилиш талабларига жавоб бермайди. Таннарх ҳисобини такомиллаштиришга доир илмий ишлар, жумладан мақолаларда таннарх ҳисобининг назарий масалалари билан чегараланган. Маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблашнинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган услугбий тартиби ишлаб чиқилган. Ушбу ҳолатлар мазкур мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Материал ва метод.

Россия ва Қозогистон амалиётида маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашнинг қўйидаги кетма-кетлиги берилган:

“1) Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига бўлинниб, бир бирлик маҳсулот таннархи аниқланади;

2) Бошқарув ва тайёрлов (сбит) харажатлари ҳисобот даврида реализация қилинган маҳсулот бирлигига бўлинади;

3) Биринчи ва иккинчи босқичлардан аниқланган кўрсаткичлар қўшилиб, бир бирлик маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ҳисобланади.

Масалан, корхона 10000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва 8000 бирлик маҳсулотни сотди. Ишлаб чиқариш таннархи 1 млн. тг., бошқарув ва тайёрлов (сбит) харажатлари 0.2 млн.тг. ташкил этади. У ҳолда маҳсулот бирлиги таннархи

$$1000\ 000 / 10\ 000 + 200\ 000 / 8\ 000 = 100 + 25 = 125 \text{ тг.} [3]$$

Бизнинг фикримизча, ушбу методикада бир қанча мулоҳазали жаҳатлар мавжуд. Биринчидан, ушбу методикада тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги захиралар инобатга олинмаган. Барча ишлаб чиқариш таннархининг маълум бир қисми тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги захираларга ҳам оид бўлади. Юқоридаги услугбий тартибда эса ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар олинган. Тугалланмаган ишлаб чиқаришда мужассамлашган ишлаб чиқариш таннархи ҳам тайёр маҳсулотларга ўтказилиб юбориласяди. Иккинчидан, эса бир бирлик реализация қилинган маҳсулотларга тўғри келадиган бошқарув ва тайёрлов (сбит) харажатлари мазмунан тўғри эмас. Масалан, тайёр маҳсулотлар омборда сақланди, лекин ҳисобот даврида реализация бўлмади. У ҳолда бошқарув ҳамда тайёрлов харажатлари мавжуд бўлади. У ҳолда маҳсулот бирлиги сифатида қайси кўрсаткич олинади? Учинчидан, маҳсулот бирлиги кўрсаткичи бирида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги олинса, иккинчисида реализация қилинган маҳсулот бирлиги



олинмоқда. Ушбу кўрсаткичлар асосида ҳисобланган маҳсулот бирлигининг таннархи кўрсаткичлари йиғиндиси иқтисодий мазмунга эга эмас, деб ҳисоблаймиз.

В.П. Шегунова [4] томонидан нон ишлаб чиқариш корхоналарида 1 тонна маҳсулотнинг чиқиш фоизини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ маҳсулот таннархи ҳамда улгуржи сотиш нархини ҳисоблашнинг амалдаги тартиби кўрсатиб берилган.

Бир қанча адабиётларда харажатлар, сарфлар ва таннарх кўрсаткичларига таъриф берилган. Жумладан, К.М. Графулин, М.Ф.Мусаллямовалар [5] ўзларининг мақолаларида маҳсулот таннархига берилган таъриф, калькуляция моддалари, таннарх элементларини таснифлаш масаласини тадқиқ этади. Таннарх номенклатурасини таклиф этади.

Chih-Yang Tseng, Lei Zhou, Lawrence A. Gordon, Martin P. Loeb Robert H. Smith лар [6] дунёдаги йирик

компаниялар фаолиятини таҳлил қилиб, фойдани оширишда қўлланилаётган ёндашувларни таҳлил қиласди. Фойдани оширишда ана шундай ёндашувлардан бири бу таннархни камайтириш, харажатларни тежаш эканлигини қайд этишади. Харажатларнинг эгилувчан бўлишлиги даромадларни таъминлашда муҳим омил бўлишлигини таъкидлайди.

Ушбу олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Лекин ушбу мақолаларда таннарх ҳисоби бўйича халқаро стандартлардаги қоидаларни миллий иқтисодиётларда қўллашнинг услугубий тартиблари етарли даражада ёритиб берилмаган.

Тадқиқотни олиб борища қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил усусларидан фойдаланилди.

Натижা. Бизнинг амалиётимизда 1-с бухгалтерия дастури асосида ҳисобланадиган маҳсулот бирлиги таннарх масаласини қўйидаги мисолда кўриб ўтайлик.

1-жадвал

“Металл жиҳоз буюмлари” МЧЖнинг “6 конфора духовкали газ плитаси” маҳсулоти таннархи калькуляцияси

Асосий ишлаб чиқаришнинг харажатлари	Суммаси
Асосий воситалар амортизацияси:	
Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	1376210.65
Иш ҳақи:	
Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	1547531.48
Электр-энергия харажатлари:	
Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	253806.12
Таббий газ:	
Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	21640.61
Хом-ашё ва материаллар:	
Газ плитаси учун бутловчи қисмлари	314502.56
Пластик оёқчалари	8263.03
Резьба ўрнатилган фитинглар	33959.01
Ресторан ва ошхоналарда фойдаланиладиган қайнатувчи плиталар учун газ горелкаси	2591418.61
Коррозияга чидамли пўлатдан қилинган кўндаланг жойлашган текис пайвандланган қувурлар	3685844.92
Темирдан ёки қотирилмаган пўлатдан ясси прокат, 3 мм дан кам	



бўлмаган қалинликдаги иссиқ рулонли лист	2797425.02
Умум ишлаб чиқариш харажатлар: Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	374038.38
Сув: Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	40828.49
Ягона ижтимоий тўлов: Ишлаб чиқариш цехи бўлинмаси хизматлари	185703.77
Жами	13231172.65

2-жадвал

“Металл жиҳоз буюмлари” МЧЖнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари таннархи

Номи	Режали таннарх	Ҳақиқий таннарх	Фарқланиши
1. 6 конфора духовкали газ плитаси	16000000.00	13231172.65	-2768827.35
2. Овқатлар учун тепсиси, б-стд.	1500000.00	1114538.67	-385461.33
3. Обшивкали Қозон, 60 л, н-стд.	19000000.00	14816924.57	-4183075.43
4. Бошқа маҳсулотлар шартли равишда умумий суммада	384852780.00	322398023.13	-62454756.87
Жами	421352780.00	336743734.45	-84609045.55

“Металл жиҳоз буюмлари” МЧЖ корхонаси 1 с дастури асосида маҳсулот таннархини ҳисоблашда қуйидаги услубий тартиб кўлланилган.

1-қадам. Ҳар бир маҳсулот кесимида таннархи элементлари бўйича режали таннархи ҳисобланади. Бу жараёнга иқтисодчилар, мухандислар, бухгалтерлар ва менежерлар жалб қилинади.

2-қадам. Таннархни ставкаси тақсимлашнинг (коэффициенти) (К) аниқланади. Бунинг учун таннархнинг ҳар бир элементи бўйича ҳақиқий харажатлар (ХХ) умумий режа таннархига (УРТ) бўлинади.

$$K = \frac{XX}{URT}$$

Масалан, корхонанинг электр-энгия бўйича ҳақиқий харажатлари

олинган счет-фактур бўйича 25400648 сўмни ташкил этди. Тақсимлаш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\frac{6683919.15}{421352780} = 0.015863$$

3-қадам. Олинган кўрсаткич ушбу маҳсулот бўйича режали таннархга (РТ) кўпайтирилади. Чиқсан натижа, таннарх калькуляциясига киритилади. Масалан, 6 конфора духовкали газ плитасига электр-энгия харажатларининг тақсимланган суммаси қуйидаги сумани ташкил этади:

$$16000000 \times 0.015863 = 253806.12 \text{ сўм}$$

4-қадам. Ҳақиқий таннархга киритилган сумма билан режали таннарх суммаси ўртасидаги фарқ аниқланиб, тегишли бухгалтерия ёзувлари асосида бухгалтерия счёtlаридағи ёзувларга тўғирлашлар киритилади. Юқоридаги мисолда фарқланиш суммаси 6 конфора



духовкали газ плитаси бўйича қуидаги суммани ташкил этади:

$$13231172.65 - 16000000.00 = - \\ 2768827.35 \text{ сўм}$$

Мунозара. Ушбу амалдаги услугбий тартиб айрим камчиликлардан холи эмас. Уларга қуидагиларни киритсак бўлади.

Биринчидан, таннархнинг ҳар бир элементи бўйича ҳақиқий харажатлар (ХХ)нинг умумий режа таннархига (УРТ) бўлиниши бизнинг фикримизча иқтисодий мазмунга эга эмас, деб ўйлаймиз. Бу кўрсаткич таннархи элементлари бўйича харажатлар суммаларининг умумий режа таннархидаги хиссасини беради. Бу кўрсаткич маълум бир ҳолатани тавсиф этмайди.

Иккинчидан, харажат моддалари маҳсулот таннархига режадаги хиссасига қараб олиб борилган. Харажатларни тақсимлашда сабаб-оқибат тамойилига етарли даражада риоя қилинмаган. Сабаб-оқибат тамойига мувофиқ қайсиdir маҳсулот бошқаларига нисбатан маълум турдаги харажатларни кўпроқ истеъмол қилса, ушбу омил харажатларни тақсимлашда етарли даражада ҳисобга олиниши лозим. Қайсиdir маҳсулот, масалан электр-энергия харажатларини бошқасига нисбатан кўпроқ истеъмол қиласди, лекин амалдаги тартибда коэффициент асосида ушбу маҳсулотнинг режадаги таннархи асосида тақсимланади. Натижада, ҳақиқий истеъмол инобатга олинмай қолади. Бу эса ўз навбатида маҳсулотларнинг таннархининг тебраниши ўртасидаги фарқни оширади ҳамда ҳар маҳсулотнинг реал ҳақиқий

таннархини аниқлаш имкониятини бермайди.

Учинчидан, ҳалқаро стандартларга мувофиқ тўғридан-тўғри материал харажатлар, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари маҳсулот таннархига бевосита олиб борилиши керак. Ушбу харажатлар маҳсулот таннархига режа бўйича эмас, балки ҳақиқий амалга ошгани бўйича маҳсулот таннархига олиб борилади. Умумзавод ҳамда умумзех харажатларидан иборат устама ишлаб чиқариш харажатлари (УИЧХ) эса бюджетлаштирилган (режали) ставкаси бўйича тақсимланади. Фақат ой охирида устама ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ортиқча тақсимланган ёки тақсимланмай қолган УИЧХлар маълум пропорциялар асосида қайта тақсимланади. Юқоридаги ҳисобкитобларда ушбу ҳалқаро стандартлар қоидаларига етарли даражада инобатга олинмаган.

Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳалқаро стандартларга уйғун бўлган тизимни яратиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Хорижий тажрибаларда буюртмали костинг ва жараёнли костинг тизимлари кенг қўлланилади. Ушбу тизимларда тўғридан-тўғри материал харажатлар ҳамда тўғридан тўғри меҳнат харажатлари ҳақиқий, устама ишлаб чиқариш харажатлари эса бюджетлаштирилган (режали) микдори олиниши кўзда тутилган.

Бюджетлаштирилган устама ишлаб чиқариш харажатлар – бу устама ишлаб чиқариш харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган микдори.

Бюджетлаштирилган УИЧХларни тақсимлашни бир қанча қадамларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчи қадам, устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳар бир моддалари бўйича режалаштирилади ва харажатларни костинг қилишнинг

анъанавий тизими устама харажатларни тақсимлашнинг турли хил тақсимлаш базалари танланади. Тадқиқотлар асосида корхоналарда бўлиши мумкин бўлган устама ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг оптимал танлаш базаларини қуидаги жадвалда расмийлаштирамиз (З-жадвал)

З-жадвал

Бюджетлаштирилган устама ишлаб чиқариш харажатларни тақсимлаш базалари

Устама харажатлар	Биринчи босқичда тақсимлаш базаси (харажат омили)
Билвосита материал	Фойдаланиши режалаштирилган билвосита материал
Билвосита меҳнат	Фойдаланиши режалаштирилган билвосита меҳнат
Харид қилинган барча турдаги энергия ва ёқилғи харажатлари	Фойдаланиши режалаштирилган энергия ва ёқилғи харажатлари (ўлчаш асбоб ускуналари маълумотлари, техникаларнинг пасторти бўйича 1 соатида истеъмол қобилияти)
Амортизация, мол-мулк солиги, асбоб-ускуналарни суғурта қилиш	Асосий воситаларнинг қиймати
Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртacha, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари)	Асосий воситаларнинг қиймати
Ишлаб чиқариш воситалари ижараси, коммунал хизматлар ҳамда бино суғуртаси	Майдон, бино ҳажми
Ишчиларга коммунал хизматларни қоплаб бериш, озиқ-овқат, ишчиларни овқатлантириш, ишчиларга бериладиган уй-жой ижара ҳақини тўлаш харажатлари, текин бериладиган ва буюмлар қиймати, чой кофе ва сув харажатлари	Ишчиларининг сони
Ишлаб чиқариш ходимларини ишга олиб келиш, олиб-кетиш транспорт харажатлари	Ишчиларининг сони
Ишлаб чиқариш (заводдаги) маъмурияти харажатлари	Ишчиларининг сони

Бу тақсимлаш базалари **биринчи тақсимлаш кўрсаткичлари** ҳисобланади.

Иккинчи қадамда, юқоридаги тақсимлаш базалари асосида устама ишлаб чиқариш харажатлари бўлимларга

тақсимланади. Ташкилотларда ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан бўлимларни иккита категорияга ажратиш мумкин бўлади: ишлаб чиқариш бўлимлари ва хизмат кўрсатувчи бўлимлар.

Ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқариш жараёни амалга ошади, яъни маҳсулот яратилади. Ишлаб чиқариш бўлимларига цехлар, бўлинмалар, участкаларни киритиш мумкин. Ишлаб чиқариш бўлимларида маҳсулотга ишлов бериш жараёнини бир қанча босқичларга ажратиш мумкин. Масалан, эритиш, қўйиш, териш, бутлаш ва бошқа жараёнларни келтириш мумкин. Ишлаб чиқариш бўлимларида маҳсулот таннархи шаклланади. Шунинг учун таннарх заррачasi ишлаб чиқариш бўлимларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлишидан қатъий назар маҳсулот таннархига келиб тушади. Бевосита харажатлар тўғридан-тўғри маҳсулот таннархига олиб борилса, устама ишлаб чиқариш харажатлари билвосита алоқадор бўлганилиги учун тақсимлаш йўли билан олиб борилади.

Хизмат кўрсатувчи ёки сервис бўлимлари ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатади. Ушбу бўлимлариз ишлаб чиқариш бўлимлари фаолият қўрсата олмайди. Хизмат кўрсатувчи бўлимларга корхонанинг ошхонаси, омборхона, техник хизмат кўрсатиш бўлими, ишлаб чиқариш маъмурияти, компьютер бошқаруви бўлими, тиббиёт бурчаги, заводдаги хўжалик бўлими ва бошқа хизмат кўрсатувчи бўлимларни киритиш мумкин. Ушбу бўлимлар ишлаб чиқариш бўлимларига ва бири-бирига хизмат кўрсатади. Уларнинг хизматлари ишлаб чиқариш бўлимлари самарали ишлашини таъминлайди.

Ушбу қадамда УИЧХлари асосли тақсимлаш базалари бўйича тақсимлаш натижасида ҳар бир бўлимга тўғри келадиган устама ишлаб чиқариш харажатлари юзага келади.

Учинчи қадамда, хизмат кўрсатувчи бўлимларга тўғри келадиган

устама ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш бўлимларига қайта тақсимланади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, хизмат кўрсатувчи бўлимларда ишлаб чиқариш бўлмайди, уларда маҳсулот, яъни таннарх обьекти мавжуд эмас. УИЧХларини қайта тақсимлашда ҳисоб сиёсатига мувофиқ корхона бир қанча усуллардан, масалан тўғридан-тўғри, қайта тақсимлаш, қадамба-қадам тақсимлаш, тенгламалар усули ва бошқа самарали усуллардан фойдаланиш мумкин. УИЧХларни қайта тақсимлашда тақсимлаш базаси сифатида хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг фаолиятини тавсифловчи микдор кўрсаткичлар танланиши мумкин. Буларга техник хизмат кўрсатиш соатлари, ходимларнинг сони, омборхонада буюртмалар сони, ишлаб чиқаришни бошқарувчи компьютерлар иш соатлари, тиббиёт муолажалари сони ва бошқа кўрсаткичларни киритиш мумкин бўлади. Бу кўрсаткичлар **иккинчи тақсимлаш базаси.** Иккинчи тақсимлаш базаси асосидаги кўрсаткичлар бўйича харажатлар тақсимланиши натижасида ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимида харажатлар тўлиқ шаклланиб бўлади.

Тўртинчи қадамда устама харажатларни маҳсулотлар турлари бўйича тақсимлаш амалга оширилади. Бунда **учинчи тақсимлаш базаси** танланади. Бунда тақсимлаш базаси сифатида асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш соатлари (мехнат-соатлари), асбоб-ускуналар иш соатлари (машина-соат), асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи суммалари олиниши мумкин. Бошқа тақсимлаш базалари ҳам қўлланилиши мумкин: материал харажатлар, тайёр маҳсулотлар бирлиги микдори ва бошқалар.



Устама харажатларни тақсимлаш ставкасини аниқлаш формуласи:

$$\text{Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси} = \frac{\text{Устама харажатлар}}{\text{тақсимлаш базаси (харажат омили)}}$$

Бу формула таннархни калкуляция қилишнинг анъанавий ва функционал тизимларининг хар қандай босқичида кўлланилади.

Корхонанинг амалий мисолида кўрадиган бўлсак, корхонада 15000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳар бирига тўғридан-тўғри 2 соат ишлаб чиқариш ишчиларининг иш соатлари сарфлаш бюджетлаштирилган. Жами бюджетлаштирилган устама харажатлар \$138.000 ташкил этади. Устама харажатларни тақсимлаш ставкаси хисобланади:

$$\text{Жами бюджетлаштирилган устама харажатлар} \\ \text{Жами бюджетлаштирилган тўғридан тўғри иш соатлари} \\ = \frac{\$138.000}{30.000} = \$4,60$$

Хисобот йилида барча бўлимларга оид бўлган ҳамда тақсимланиши лозим бўлган бюджетлаштирилган устама харажатлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Компания учта ишлаб чиқариш ҳамда иккита хизмат кўрсатувчи бўлимлардан ташкил топган. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан учта цех шуғулланади. Омборхона ва техник хизмат кўрсатиш бўлими бошқа бўлимларга хизмат кўрсатади. Компания саккизта категориядаги устама харажатларга эга, қайсики бу харажатлар бешта бўлимга тақсимланади. Биринчи иккита харажатлар, яъни билвосита меҳнат ва билвосита материал бўлимларда ишлатилишига караб тақсимланган. Айрим харажатлар, жумладан амортизация харажатлари маҳсус идентификациялаш орқали тақсимланади. Иситиш, ёритиш ва энергия харажатлари эса эгаллаб турган майдондаги хиссасига караб тақсимланган

4-жадвал

Корхонанинг 2021 йилда бюджетлаштирилган устама харажатлари

Устама ишлаб чиқариш харажатлари суммалари ва ставкалари	Хизмат кўрсатувчи бўлимлар		Ишлаб чиқарувчи бўлимлар			Жами
	Техник хиз.кўрса тиш бўл.	Омбор	№1 цех	№2 цех	№3 цех	
Биринчи тақсимлаш базаси бўйича тақсимлангандан кейинги УИЧХ суммалари	90450700	55378600	254848900	189725800	58348945	648752945
Иккинчи тақсимлаш базаси бўйича тақсимлангандан кейин УИЧХ суммалари			342346480	233474590	72931875	648752945
Учинчи тақсимлаш базаси			10800 маш. с	7750 маш. соат	9350 мех/соат	

Бюджетлаштирилган устама харажатлар ставкаси			31698,75 сүм/маш. соат	30125,75 сүм/маш. соат	7800,20 сүм /т.тұғри мех.соат	
--	--	--	------------------------------	------------------------------	--	--

Бешинчи қадам. Юқорида аниқланган бюджетлаштирилган УИЧХларини тақсимлаш ставкалари асосида маҳсулот таннархига олиб борилади. Биринчи цехда бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 3.5

машина соат, иккинчи цехда эса 2.8 машина соат, учинчи цехда эса 4.1 меңнат соат сарфланади. У ҳолда маҳсулот бирлигига олиб бориладиган УИЧХлари қуидагы тақсимланади (5-жадвал).

5-жадвал

Ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот бирлигига тақсимланган устама ишлаб чиқариш харажатлари

Кўрсаткич	1-цех маҳсулот	2-цех маҳсулот	3-цех маҳсулоти
УИЧХларнинг маҳсулот таннархига олиб борилиши	31698.75 сүм x 3.5 машина соат = 110945.63 сүм	30125,75 сүм x 2.8 машина соат = 84352.10 сүм	7800,20 сүм x 4.1 меңнат соат = 31980.82 сүм

Бу таннархга олиб бориладиган суммалар режа ҳисобланади. Ҳисобот даврининг охирида ҳақиқатда амалга оширилган сумма бюджетлаштирилган УИЧХ суммаси билан солиширилади. Ҳақиқатдаги сумма бюджетлаштирилган сумма билан солиширилганда фарқ юзага келиш мумкин. Агар ҳақиқатдаги сумма бюджетлаштирилган суммадан катта бўлса у ҳолда тақсимланмаган қолган УИЧХлари юзага келади. Агарда ҳақиқатдаги сумма бюджетлаштирилган суммадан кичик бўлса, у ҳолда ортиқча тақсимланган УИЧХлари аниқланади. Бу суммалар белгиланган тартибда реализация қилинган маҳсулот таннархига олиб борилади.

Ушбу услубий тартиб бир қанча афзалликларга эга. **Биринчидан**, харажатларни уларнинг юзага келиш

омили асосида тақсимлаш имкониятини беради. Ҳар бир харажат заррачасини унинг юзага келиш сабаб-оқибати асосида тақсимлашга асосланади. Бу эса обьектларнинг таннархини аниқроқ ҳисоблаш, шунингдек цехлар, бўлимлар ва маҳсулотнинг таннархлигини аниқлаш ҳамда таннархга оид қарорлар қабул қилишда қўл келади. **Иккинчидан**, УИЧХларни режалаштириш маҳсулот таннархи жараёнини аниқлашни тезлаштиради. Маҳсулот таннархини аниқлашда ҳисобот даврининг тугаши кутилмайди, яъни ҳақиқий таннарх юз бериш вақтидан қатъий назар режалаштирилган ставкалар бўйича маҳсулот таннархи шакллантирилади.

Хulosा. Тадқиқотлар асосида қуидаги хulosаларни қилиш мумкин.

1.Амалдаги

тартибда



харажатларни маҳсулот таннархига тақсимлашда сабаб-оқибат омили, яъни харажатлар айнан юз бериш омилини ҳисобга олган ҳолда тақсимланмаётганилиги, улар режадаги ҳиссасига қараб тақсимланаётганилиги, бошқарув ҳисоби, назорат ва таҳлил талабларига жавоб бермаслиги исботланди.

2. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб тўғридан-тўғри материал харажатлар ҳамда тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ҳақиқий ва устама ишлаб чиқариш харажатлари бюджетлаштирилган миқдори асосида тақсимлаш таклиф этилди.

3. Бюджетлаштирилган устама

ишлаб чиқариш харажатларининг моддалри ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлимлари ва хизмат кўрсатувчи бўлимларга тақсимлашда олиниши мумкин бўлган тақсимлаш базалари таклиф этилди.

4. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ҳолда устама ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига тақсимлашда бешта қадамдан иборат услугий тартиби таклиф этилди. Ушбу услугий тартибда таннархни тақсимлашда учта турдаги тақсимлаш базаларидан файланиш асосланди.

Ушбу тартиб қоидаларнинг амалиётга жорий этилиши маҳсулот таннархини тўғри шакллантириш ва у асосда қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛЁТГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.
<https://lex.uz/docs/5841063>
2. МСФО Запасы.
[https://nrm.uz/contentf?doc=650002_\(ias\)_2_zapasy&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistan](https://nrm.uz/contentf?doc=650002_(ias)_2_zapasy&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistan)
3. Методы учета затрат и калькулирования себестоимости продукции. 8-9-бетлар
4. Шегурова, В. П. Учет затрат и калькирование себестоимости продукции в производстве пищевых продуктов / В. П. Шегурова, О. В. Коробкова. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2013. — № 5 (52). — С. 416-420. — URL: <https://moluch.ru/archive/52/6941/> (дата обращения: 19.09.2022)
5. К.М. Графуллин, М.Ф.Мусаллямова. Теоретические основы учета себестоимости продукции. <https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-osnovy-ucheta-sebestoimosti-produktsii/viewer>
6. Chih-Yang Tseng¹, Lei Zhou², Lawrence A. Gordon², Martin P. Loeb^{2*} ¹College of Management, National Taiwan University, Taiwan. Robert H. Smith School of Business, University of Maryland, Washington DCCost Management and Strings of Increasing // Journal of accounting. Earnings//<https://www.scirp.org/journal/paperinformation.aspx?paperid=119899>